# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 14 июнь, № 115 (5789) Жума


# ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 13 июнь куни расмий ташриф билан Тошкентга келди.**




Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

Бу галги олий даражадаги Ўзбекистон — Қозоғистон учрашувига анъанавий дўстлик ва ишонч муҳитида давлатлараро ҳамда минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокамаси учун қулай имконият сифатида қаралмоқда.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг минтақадаги муҳим савдо шеригидир. 2012 йил якунига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 2,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Халқларимизнинг кўп асрлик муштарак анъаналари, урф-одат ва қадриятларига асосланган маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари ҳам давлат раҳбарларининг диққат марказида туради.

Расмий ташрифнинг асосий тадбирлари 14 июнга мўлжалланган.

Аввал хабар қилинганидек, музокаралар якунида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, шунингдек, Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини турли соҳаларда янада ривожлантиришга қаратилган ўзаро манфаатли икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

**(ЎзА).**

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз шу йил 1 сентябрь куни Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик тўйини катта тантана, шоду хуррамлик билан кенг нишонлайди.

Биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини марказда ва жойларда ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан кутиб олиш мамлакатимизда эзгу анъанага айланиб қолган.

Ҳақиқатан ҳам, умуммиллий байрамимиз бўлган бу қутлуғ сана ҳақида сўз борар экан, ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни холисона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларга, аввало, қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига эришганимизни яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиийдир.

Мустақиллик байрамининг йигирма икки йиллигини юксак савияда, муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика ва ҳудудий комиссиялар Мустақиллик байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда уюшқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган, **“Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!”** деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

мустақиллик — бу аввало ҳуқуқ эканини, фақат мустақиллик орқалигина шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғururини англаши, истиқлол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканини кенг очиб бериш;

халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, истиқлол ғояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонганини чуқур таҳлиллар орқали кўрсатиш;

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — ўзбек моделининг мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танланганини, ўтган йиллар давомида бу йўл юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятимиз ҳаётида синовдан ўтиб, амалда ҳар томонлама ўзини оқлагани ва бугунги кунда амалий натижасини бераётганини аҳоли ўртасида ўтказиладиган ташвиқот-тарғибот ишлари, жонли суҳбат ва мулоқотларнинг асосий йўналиши деб қабул қилиш;

мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб белгилаб олинган “Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун” деган, одамларимиз қалбидаги эзгу орзу-интилишларни яққол ифода этган олижаноб даъват халқимизни ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида сафарбар этгани, юртдошларимизнинг юрагига чуқур кириб боргани истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратиш;

мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида, мамлакатимиз кескин ижтимоий муаммолар гирдобида қолиб кетган таҳликали бир пайтда мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар моҳиятини теран акс эттириш. Жумладан, ғоят оғир айни ўша шароитда аҳолига қўшимча томорқа ерлари ажратиш ҳақидаги Фармон ва қарорлар қабул қилингани, шу асосда Ўзбекистон бўйича 2,5 миллион оилага ҳаммаси бўлиб 700 минг гектар суғориладиган ер томорқа сифатида хусусий мулк қилиб берилгани қишлоқларимизда ижтимоий муаммоларни ечиш, айтиш мумкинки, жар ёқасида турган юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда улкан тарихий қадам бўлганини чуқур очиб бериш. Ана шундай ўзгаришлар туфайли одамлар дунёда адолат ва ҳақиқат борлигига, мустақиллик ҳар қайси оила, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган бебаҳо неъмат эканига чин дилдан ишонч ҳосил қилгани ва шу каби бошқа мисолларда мустақиллик деган буюк тарихий ҳодисанинг қадр-қиммати ва аҳамияти ҳақида фикр юритиш;

(Давоми 2-бетда).

ДАВРА СУҲБАТИ

*Жиззах шаҳрида “Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик” лойиҳаси ижросига бағишланган “Инвестицион фаолиятда давлат бошқаруви масалаларини такомиллаштириш” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.*

## Инвестиция ва иқтисодий юксалиш

Вилоят ҳокимлиги, БМТ Тараққиёт дастури, Адлия, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда шаҳар ва туман ҳокимликлари масъул ходимлари, корхона ҳамда ташкилотлар раҳбарлари, тадбиркорлар, тижорат банклари, лизинг ва суғурта компаниялари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Маълумки, БМТ Тараққиёт дастури “Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик” лойиҳаси Жиззах ҳамда Наманган вилоятларида давлат ҳокимияти органлари ва хусусий сектор ҳамкорлигини кучайтириш, вилоятларнинг туризм салоҳиятини юксалтириш борасида 2010 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Ёш дастурчилар танлови

*Жорий йилнинг 13 июнидан 27 сентябрига қадар мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабалари, академик лицей ва ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида “BestSoft Challenge” дастурий таъминотини яратиш бўйича танлов бўлиб ўтади.*

АНЖУМАН

Бу ҳақда куни кеча пойтахтимизда ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Тошкент Ахборот технологиялари университети, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси ва “Samsung Electronics” компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилаётган мазкур лойиҳадан кўзланган мақсад мамлакатимиз таълим муассасалари базасида малакали кадрларни тайёрлаш, уларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

(Давоми 2-бетда).

## Роттердамда тақдимот маросими

*Яқинда Роттердам шаҳридаги “Ahoy” марказий кўргазмалар саройида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.*

БИЗ ВА ЖАҲОН

У Нидерландияда ташкиллаштирилган “Multi Festijn Ahoy — 2013” халқаро маданият фестивали доирасида Ўзбекистон Республикасининг Брюсселдаги дипломатия миссияси томонидан “EU-CA Business development Center” уюшмаси билан ўзаро ҳамкорликда ўтказилди.

Шарқ халқлари маданияти ва санъати — халқ рақслари ҳамда мусиқаси, пазанда ошпазлар томонидан тайёрланган турли тансиқ таомлар намойиш қилинган “Multi Festijn Ahoy — 2013” фестивалининг Ўзбекистон бўлмаси тадбир иштирокчилари томонидан энг ёрқин ва ранг-баранг безатилган бўлма сифатида эътироф этилди. Унда бухоролик ҳунармандларнинг зардўзлик санъати намуналари, Риштон ва Хоразмнинг машҳур кулоллик буюмлари, Фарғона каштадўзларининг сўзаналари, Марғилон адраси ҳамда хонатласи сингари халқ амалий санъатининг энг нодир намуналари тадбир меҳмонлари эътиборига ҳавола қилинди. Шунингдек, анжуман қатнашчилари Ўзбекистон заминида етиштирилган ширин-шакар мевалардан татиб кўриш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Таъкидлаш жоизки, анжуманда Ўзбекистоннинг сайёҳларни жалб қилиш борасидаги улкан салоҳияти алоҳида эътирофини топди. Шунингдек, юртимизнинг бой маънавий ва маданий мероси, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан сайёҳликни янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари шаҳарларда қад кўтарган маҳобатли обидалар ҳақидаги маълумотлар тақдимот иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистонлик фотоижодкорларнинг асарларидан иборат суратлар мажмуаси ҳамда юртимиз сайёҳлик салоҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиши ҳам “Multi Festijn Ahoy — 2013” маданият фестивали қатнашчиларида алоҳида таассурот қолдирди.

Нидерландиянинг **“EU-CA Business development Center” уюшмаси президенти Ж. Лаурей** ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот Нидерландия ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилганини айтди. Унинг фикрича, жаҳон аҳамиятига молик бой маданий-тарихий мероси билан машҳур Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш ҳамда ислоҳотларнинг пухта ўйланган миллий тараққиёт модели туфайли саноати тараққий топган замонавий давлат қуриш йўлида салмоқли муваффақиятларни қўлга киритди.

Ж. Лаурей Нидерландияда Ўзбекистон билан юксак технологиялар, муқобил энергия манбалари, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга ҳамда юртимизнинг тарихий ва замонавий тараққиёти билан танишишга нисбатан қизиқиш тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

— Қадим тарихга назар ташлаш, нодир маданият ва меъморчилик ёдгорликларини кўриш, табиат гўзаллигидан баҳра олиш, ўзбек халқининг самимияти ва меҳмондўстлигини ҳис қилиш, бой анъана ҳамда урф-одатлари билан яқиндан танишиш истагида бўлган нидерландияликлар сони кундан-кунга ошмоқда, — деди у, жумладан.

**«Жаҳон» АА.**

Роттердам

## Миллий ва хорижий тажриба уйғунлиги

СЕМИНАР

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан Европа Иттифоқининг “Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга кўмаклашиш” лойиҳаси ва Бош прокуратура ҳузуридаги Олий ўқув курслари билан ҳамкорликда “Суд жараёнида сўроқ қилишнинг тактикаси ва усуллари: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси” мавзуида халқаро семинар ташкил этилди.*

Семинарда мамлакатимизда ўтган даврда замонавий талаблар ва умумэътироф этилган халқаро тамойилларга мос меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилгани алоҳида эътироф этилди. Таъкидланганидек, ушбу жараёнда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгариш ва янгиликлар алоҳида ўрин эгаллайди. Чунончи, Президентимизнинг 2012 йил 30 ноябрда қабул қилинган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони адолатли ва инсонпарвар суд-ҳуқуқ тизимини шакллантиришга жиддий ёндашувнинг навбатдаги тасдиғи бўлди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариши умумий таркибида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, енгил саноат, кимё ва нефть-кимё ҳамда озиқ-овқат саноати улуши 2012 йилнинг шу давридаги 47 фоиздан**

**49,3**

**фоизга ошди.**

2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантириш дастури доирасида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва янгиларини ишга туширишга доир инвестициявий лойиҳаларнинг амалга оширилиши саноат ишлаб чиқаришида, энг аввало, унинг юқори технологияли тармоқларида барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш имконини бергани диққатга сазовордир.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларини модернизация қилиш, илғор техника ва технологиялар билан қуроллантириш, энг замонавий корхоналарни барпо этиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини бугунги талаблар асосида ривожлантириш мақсадида амалга оширилган том маънодаги улкан ишларнинг мазмун-моҳиятини кенг таҳлил қилиш;

истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, истиқлол даври Ватанимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлганини ифода этиш;

юртимизда мустақил давлат барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт даражасига эришиш, Ўзбекистонимизни дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтаришдек улуғ мақсадларни ўз олдимизга қўйиб, бу марраларнинг нақадар буюк ва масъулиятли эканини ўзимизга чуқур тасаввур қилган ҳолда, ана шундай юксак уфқлар сари дадил бораётганимизнинг энг асосий омил ва мезонларини кенг ёритиш. Бунда, аввало, ўз қадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган, бетакрор миллий қадриятларимиз, бебаҳо маданий меросимизнинг муносиб ворислари бўлиш билан бирга, дунё илму фани ютуқларини пухта ўзлаштириб, замон билан ҳамоҳанг бўлиб яшашга, манаман деган давлатлардаги тенгдошлари билан бемалол беллашувга тайёр бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи истиқлол йилларида Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини акс эттириш. Қандай оғир бўлмасин, ана шу буюк мақсадни амалга ошириш учун барча куч-қудратимиз ва имкониятларимизни сафарбар этганимиз, шу йўлда аҳамиятини баҳолашнинг ўзи қийин бўлган ишларимизнинг амалий натижаларини кўрсатиш. Бугунги кунда бу ютуқлар ҳаётимизда, мамлакатимиз тараққиётида, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган барқарор ўсиш суръатларида яққол намоён бўлаётгани, камол топаётган фарзандларимиз ҳаётимизнинг асосий, ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқаётганини таъсирчан мисолларда ифода этиш.

Юқорида зикр этилган фикрларни бундан ўн олти йил аввал қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ва бошқа муҳим ижтимоий дастурлар таҳлили орқали мамлакатимиз ва дунё жамоатчилигига етказиш;

давлатимиз томонидан мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳоли, биринчи навбатда ёшларимизнинг жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан етук авлод бўлиб улғайишига берилаётган юксак эътиборнинг яққол тасдиғи сифатида мамлакатимизда давлат бюджети харажатлар қисмининг 60 фоизга яқини таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳалари ривожига йўналтирилаётгани дунё тажрибасида камдан-кам учрашини, Ўзбекистон айни шу соҳаларда жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб бораётгани нуфузли халқаро эксперт ва таҳлил марказлари томонидан эътироф этилаётганига алоҳида аҳамият қаратиш;

истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоиздан зиёдини ташкил этадиган хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, аёл зотини эъзозлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган қарор ва дастурларнинг амалий натижаларини кўрсатиб бериш. Шулар қаторида оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун амалга оширилган кенг кўламли ишларимизнинг моҳияти ва аҳамияти, бу борадаги сиёсатнинг бугунги кунда изчил давом эттирилаётганини тарғибот-ташвиқот ишларининг бош мавзуси сифатида белгилаш;

мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, аҳолимизнинг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича махсус давлат дастурлари жорий этилаётгани, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида шаҳар шароитидан кам бўлмаган замонавий уй-жой массивлари комплекс барпо этилаётганини халқимиз ҳаётини янада фаровон қилишга қаратилган ишларнинг амалий намоёни сифатида қабул қилиш;

эришган барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, ишга, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораётгани, мухтасар айтганда, мустақил тараққиёт йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлсак, уларнинг барчасининг негизида авваламбор, одамларимизнинг, ўсиб бораётган сиёсий, ҳуқуқий, маданий савияси ва ижтимоий фаоллиги мужассам эканини акс эттириш;

ҳозирги кунда бизнинг қандай шиддатли ва нотинч замонда яшаётганимизни инобатга олган ҳолда, тинч ва осойишта ҳаёт учун курашиш, керак бўлса, фидойилик кўрсатиб, доимо огоҳ, сезгир ва маънавий уйғоқ бўлиб яшаш, энг катта бойлигимиз бўлмиш юртимиздаги миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини кўз қорачиғидек асраш ва мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ишларнинг маъно-мазмунини очиб бериш;

айни мана шундай ўта мураккаб ва таҳликали бир шароитда дунёнинг турли минтақалари, яқин ва узоқ ҳудудларида, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ўчоқлари кучайиб, бир сўз билан айтганда, хавф-хатар тобора ўсиб бораётган бир вазиятда Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсатини, унинг мамлакатимизнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган стратегик устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиши табиийдир. Шу мақсадда 2012 йил сентябрь ойида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонунда белгилаб берилган асосий принциплар, яъни:

Ўзбекистоннинг турли ҳарбий сиёсий блоклардан узоқ бўлиши ҳақида;

ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ва ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги ҳақида;

очиқ, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақида аниқ-равшан баён этганини кенг оммага етказиш;

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишнинг мустаҳкам таянчи бўлиб келаётганини, ҳарбий хизматнинг ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик, чиниқиш ва тобланиш мактабига айлангани, халқ ва армия — бир тану бир жон эканини ҳаётий мисолларда кенг тарғиб этиш.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида жонли мулоқот ва суҳбатлар, учрашувлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида танқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди билан биргаликда:

Мустақиллик байрамининг йигирма икки йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда ҳудудий комиссиялар тузиш, республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш;

байрам муносабати билан халқимизга хос бўлган урф-одат ва анъаналарга муносиб равишда шаҳар ва қишлоқлар, маҳалла ва гузарлар, кўп қаватли уйлар атрофида ободонлаштириш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилсин.

Мазкур режа ва дастурлардан ўрин олган тадбирларни расмиятчилик ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда, одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган халқчил ва таъсирчан руҳда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида дастурда белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, мусиқа асарлари учун “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган “Энг улуғ, энг азиз” анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси билан биргаликда ёш ижрочилар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ниҳол” мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

11. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Жаҳон” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 12 июнь.

# Ёш дастурчилар танлови

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“BestSoft Challenge” танловида қатнашиш учун шу йилнинг 31 августигача якка ёки гуруҳ тартибида (тўрт кишигача) software.uz сайтида он-лайн режимида рўйхатдан ўтиш, танловнинг “Энг яхши компьютер иловалари ишланмаси”, “Смартфонлар ва смарт-телевизорлар учун энг яхши ишланма” ҳамда “Энг яхши миллий компьютер ёки мобиль ўйинлар ишланмаси” номинацияларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган дастурий таъминотни тақдим этиш лозим. “Энг яхши миллий компьютер ёки мобиль ўйинлар ишланмаси” номинацияси остида “Миллий компьютер ўйинларининг энг яхши сценарийси ва концепцияси” каби номинацияни ҳам ўз ичига олган. Унда дастурлаш билан таниш бўлмаган, аммо ўзига хос ўйинларни ишлаб чиқишга оид ғояларга эга бўлганлар ҳам қатнашиши мумкин.

**Элбек ДОЛИМОВ.**

# Инвестиция ва иқтисодий юксалиш

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, инвестиция жалб қилмай туриб, иқтисодиётни етарли даражада юксалтириб бўлмайди, — дейди БМТ Тараққиёт дастури мутасаддиларидан бири Дилшод Исроилов. — Шу боис юртимизда инвестицион муҳитни шакллантиришга шароит яратиш ва уни рағбатлантириш мақсадида бир қатор қонунлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаяпти. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунлари ҳамда бир қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

— Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитлар яратилган, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Рустам Кенжаев. — Хусусан, Президентимизнинг 2013 йил 18 мартдаги “Жиззах” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги Фармони вилоятда саноатни янада ривожлантириш, инвестицияларни жалб этишда муҳим ҳужжат бўлди.

Давра суҳбатида республикамизга чет эл сармояларини жалб қилиш, хорижий инвестицияларга асосланган корхоналарни давлат рўйхатига олиш, сармоялар жалб қилишга жавобгар ташкилотларнинг салоҳият ва имкониятларини кучайтириш, вилоятдаги мавжуд инвестицион имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш, Зомин туманида экотуризм соҳасини ривожлантириш тўғрисида фикр юритилди.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Миллий ва хорижий тажриба уйғунлиги

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда суд жараёнида сўроқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, прокурор томонидан суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш жараёнида сўроқнинг қонунийлигини таъминлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Сўроқ қилиш жараёнида шахс ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш, айниқса, вояга етмаганларни сўроқ қилишда сўроқ қилувчининг етарли маҳорат, билим ва малакага эга бўлиши зарурлиги таъкидланди. Бу, авваламбор, суд тизимини ислоҳ қилиш шароитида замонавий юридик кадрларга қўйилаётган талаблар билан изоҳланади. Зотан, сўроқ қилишда нафақат ҳуқуқий, шунингдек, ахлоқ меъёрларига риоя этилиши инсон ҳуқуқларининг муҳим кафолати ҳисобланади.

— Тадбир давомида дастлабки тергов бўйича, умуман, Германияда сўроқ қилиш институтининг хусусиятларига бағишланган маърузаларни тинглаб, назарий билимларимизни мустаҳкамладик, — дейди Юристлар малакасини ошириш маркази тингловчиси, Олмазор тумани ИИБТБ терговчиси, подполковник Исомиддин Қодиров. — Албатта, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд фаолиятининг самарадорлигини оширишда, аввало, тизимда юрист кадрларни тайёрлаш, ходимларнинг малакасини юксалтириш, шу билан бирга, ахборот-маърифий, таълим ва тарғибот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ўз навбатида, бизнинг ҳам нафақат миллий қонунчилигимиз нормалари, балки инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, бу борадаги халқаро тажрибадан ҳам хабардор бўлишимиз айни муддао. Шу маънода, Марказнинг хорижий ўқув муассасалари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатишга алоҳида аҳамият бераётгани фаолиятимизни кучайтиришда муҳим ўрин тутади.

Семинар якунида суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш, тизимга малакали кадрларни жалб қилиш ҳамда уларни қайта тайёрлашда Ўзбекистон ва Германия тажрибаларининг ўзига хос томонлари қизғин муҳокама этилди, тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

**Зиёда АШУРОВА.**



# Қулай ишбилармонлик муҳити

## туфайли саноат корхоналари салоҳияти тобора ошмоқда

*Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, яратилган қулай ишбилармонлик муҳити натижасида саноат соҳаси сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтарилди. Яъни шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий ускуналар билан жиҳозланган ўнлаб янги корхоналар ишга туширилиб, мавжудлари тубдан реконструкция қилинди, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланди.*

### МОДЕРНИЗАЦИЯ

Эндиликда бу саъй-ҳаракатлар халқаро стандартларга жавоб берадиган, рақобатбардош, ички ва ташқи бозорда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини яратиши билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадларини оширишга хизмат қилмоқда.

Хонқа туманидаги “Хонқа барака қоп” масъулияти чекланган жамияти 2011 йилда бир миллиард сўм маблағ эвазига бунёд этилиб, хорижнинг замонавий, тежамкор технологик ускуналари билан жиҳозланган эди. Айни пайтда 10 килограммдан 100 килограммгача маҳсулот сиғадиган полипропилен қоплар ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулотга эса озиқ-овқат, кимё, қурилиш ва енгил саноат ҳамда қишлоқ хўжалигида эҳтиёж катта. Шундан келиб чиққан ҳолда, корхонанинг маҳаллий ёшлардан иборат жамоаси асосий эътиборни маҳсулот ҳажмини ошириш, сифатини жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган даражага етказишга қаратмоқда. Натижада бултур бир миллиард 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган ойларида мазкур кўрсаткич 500 миллион сўмликка етказилди.

Бундай муваффақиятларни қўлга киритишда, шунингдек, жорий йилнинг бошида 400 миллион сўм маблағ ҳисобидан модернизация тадбирлари амалга оширилгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Гап шундаки, корхона қуввати 1,5 баравар ортиб, кунига турли сиғимдаги 15 минг дона полипропилен қоп ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, жамоа сафига яна 6 нафар ишчи қўшилди.

Жорий йилда меҳнат аҳли 2 миллиард сўмликдан зиёд турли сиғимдаги ана шундай қоплар ишлаб чиқаришни режалаштирган.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

**АҚШ долларидаги янги муддатли омонат турларини амалга киритилганлигини маълум қилади:**

*Сақлаш муддати — 6 ойдан 1 йилгача.*
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг, омонат валютасида капитализациясиз тўланади.

*Сақлаш муддати — 1 йилдан 1,5 йилгача.*
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг, омонат валютасида капитализациясиз тўланади.

*Сақлаш муддати — 1,5 йилдан 2 йилгача.*
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг, Марказий банк курси бўйича миллий валютада капитализациясиз тўланади.

**Евродаги муддатли омонатлар**

*Сақлаш муддати — 1 йил.*
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг, омонат валютасида капитализациясиз тўланади.

*Сақлаш муддати — 1 йилдан 2 йилгача.*
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг, Марказий банкнинг курси бўйича миллий валютада капитализациясиз тўланади.

**Мультивалютали омонат (АҚШ доллари, евро, Англия фунт стерлинги, Швейцария франки):**

*Сақлаш муддати — 1 йил.*
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Фоизлар омонат валютасида ёки АҚШ долларида ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг, капитализациясиз тўланади.

**«Привилегия-2» мультивалютали омонати.**

*Сақлаш муддати — 13 ой.*
- Бошланғич бадал миқдори — 100 минг АҚШ доллари ёки бошқа валютада 100 минг АҚШ долларининг эквиваленти ҳисобида.
- Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг, омонат валютасида ёки АҚШ долларида тўланади.
- Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда капитализация қилиб борилади.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.

**Ҳамда мультивалютали омонат шартлари ўзгартирилганлигини маълум қилади.**

**«Привилегия» (АҚШ доллари, евро, Англия фунт стерлинги).**

*Сақлаш муддати — 13 ой.*
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг, омонат валютасида ёки АҚШ долларида тўланади.

**ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ БОШҚАРИЛИШИНИ БИЗГА ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАР ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!**

*Хизматлар лицензияланган.*

**Қўшимча маълумотларни (8-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.**

**www.nbu.com**

941A/382


# Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги республика олий таълим муассасалари учун 2013 йилда ўқув адабиётларини чоп этиш бўйича нашриётларни тендерда қатнашишга таклиф қилади.

**Тендер номи** — Республика олий таълим муассасалари учун замонавий ўқув адабиётларини чоп этиш.

**Буюртмачи** — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази (ОЎМКҲТРМ).

**Манзил:** Тошкент шаҳри, 100060, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй.

**Телефонлар:** (8-371) 233-34-30, 233-33-08, 233-33-84. **Факс:** (8-371) 233-34-96.

**Молиялаштириш** Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

**Молиявий манбаларининг энг юқори суммаси** — 750 000 000 (етти юз эллик миллион) сўм.

**Тўлов шартлари** — пул ўтказиш йўли билан.

Шартнома қийматининг 15 фоизи олдиндан, қолган 85 фоизи буюртма бажарилганидан кейин амалга оширилади.

**Ишчи орган** — «STANDART-AUDIT» масъулияти чекланган жамияти.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 34-уй, 308-хона.

**Тел./факс:** (8-371) 233-27-09.
**Моб.** (+99890) 185-21-37.

Нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар 8 та лотга ажратилган ва тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

Маҳсулотни етказиб бериш муддати ва шартлари — олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг шартномага мувофиқ (60 календарь кундан кўп бўлмаган муддатда) етказиб берилади. Маҳсулотни давлат стандартлари талаблари даражасида ва белгиланган муддатларда сифатли тайёрлашни таъминлаш мақсадида талабгор битта ёки иккита лотда иштирок этиши тавсия этилади.

Мазкур тендер очиқ турда ўтказилиб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, олий таълим муассасалари учун ўқув адабиётларни нашр этиш, сифатли ҳамда баҳоси жиҳатидан маъқул тарзда етказиб бериш имконияти, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш бўйича махсус рухсатнома (лицензия)га ҳамда малакали тажрибага эга бўлган хўжалик субъектлари — юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Тендерда қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:
— янги ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
— давлат реестрида рўйхатга олинганига олти ой муддатдан кам бўлган;
— мажбурий солиқлар бўйича бюджет олдида қарздорлиги мавжуд бўлган;
— вазирлик ва ОЎМКҲТРМ билан аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;
— вазирлик ва ОЎМКҲТРМ билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошидан кечираётган;
— фаолияти суд ёки ҳакамлик судида муҳокамада кўриб чиқилаётган.

Тендер таклифлари (конвертлар) очилгунига қадар тендер комиссиясининг ишчи органи томонидан тендер савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар малакавий танлов, яъни саралаш босқичидан ўтказилади. Бунда талабгорлар ишчи органига тендер таклифи билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тўпламини алоҳида тақдим этишлари лозим:
— Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисида давлат солиқ инспекциялари томонидан берилган маълумотнома;
— маҳаллий монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш органларидан талабгор банкрот ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
— маҳаллий давлат рўйхатига олувчи органлардан талабгорнинг тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
— юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
— давлат солиқ инспекцияси ва талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги мажбуриятлар бўйича ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган солиштирув далолатномасининг асл нусхаси;
— хизмат кўрсатувчи банк томонидан талабгорнинг ҳисоб рақамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва тендер эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

Малакавий танловнинг саралаш босқичи тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги санасидан сўнг тендер комиссияси раиси томонидан белгиланган куни ўтказилиши кўзда тутилади.

Тендер ҳужжатларини олиш учун ОЎМКҲТРМнинг **(ш./ҳ/р. 400110860262737950100079003, СТИР: 201654145, ОКОНХ: 92200 Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳ/р: 23402000300100001010 ХККМ Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси, МФО: 00014, СТИР: 201122919)** ҳисоб рақамига ҳар бир лот бўйича **200 000 (икки юз минг) сўм** ўтказганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари шарт.

Тўлов тўғридан-тўғри пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Тендерда қатнашиш таклифлари тўғрисидаги ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 календарь куни давомида (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача тендер комиссиясининг ишчи органига ваколатли шахс томонидан топширилиши мумкин.

Тендер савдоси ҳақидаги маълумот давлат харидлари портали (xarid.uz)да ёритилган.

Тендерда қатнашиш бўйича белгиланган тартибда қайтариладиган закалат миқдори (ҳар бир лот бўйича алоҳида) **2 500 000 (икки миллион беш юз минг)** сўм ОЎМКҲТРМнинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан тўланиши шарт. Закалат суммаси билан бириктирилмаган тендер таклифлари тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари (конверт)нинг кўриб чиқиш санаси ва жойи тендер комиссияси томонидан белгиланади. Бу ҳақида ишчи орган талабгорга ёзма хабар беради.

Тендер таклифлари (конверт) очилишида талабгорларнинг ишончли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Ўқув адабиётларини чоп этишда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази санитария-гигиена талабларига ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган шартларга мувофиқ бажарилиши шарт.

Матбаа талаблари тендер ҳужжатларида келтирилган.

955R/559

# «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

**Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Чиноз тумани СИБ томонидан 2012 йил 29 майдаги 12714/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чиноз тумани, Навоий кўчасидаги 1-уй.

*Бошланғич баҳоси — 59 375 000 сўм.*

**Зангиота тумани СИБ томонидан:**

**2.** 11379-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган ошхона биноси.

*Бошланғич баҳоси — 246 785 895 сўм.*

**3.** 11384/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 31-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 34 115 359 сўм.*

**4.** 11378/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 56-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 28 740 600 сўм.*

**5.** 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 95-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 58 468 024 сўм.*

**6.** 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 96-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 60 388 713 сўм.*

**7.** 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 98-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 59 541 350 сўм.*

**8.** 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 19-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 33 862 478 сўм.*

**9.** 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 20-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 30 622 992 сўм.*

**10.** 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 27-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 29 755 790 сўм.*

**11.** 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 29-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 29 924 981 сўм.*

**12.** 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 35-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 30 413 753 сўм.*

**13.** 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 38-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 30 478 070 сўм.*

**14.** 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 58-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 19 107 078 сўм.*

**15.** 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 64-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 24 267 359 сўм.*

**16.** 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 65-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 24 178 100 сўм.*

**17.** 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 66-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 24 847 544 сўм.*

**18.** 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 67-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 24 893 029 сўм.*

**19.** 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 69-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 23 519 848 сўм.*

**20.** 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 84-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 24 893 029 сўм.*

**21.** 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 10-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 11 591 181 сўм.*

**22.** 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 12-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 11 422 923 сўм.*

**23.** 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 46-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 191 684 535 сўм.*

**24.** 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 11-сонли савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 11 715 818 сўм.*

*Аукцион савдоси 2013 йил 1 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

**25.** Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 2011 йил 12 июлдаги 1-246-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Амир Темур кўчасида жойлашган чойхона, дўкон ҳовлиси билан.

*Бошланғич баҳоси — 220 843 498 сўм.*

**26.** Қибрай тумани СИБ томонидан 2011 йил 27 декабрдаги 2-204/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қибрай тумани, «Матқобулов» ҚФЙ, Арча 7-тор кўчасидаги 9-уй.

*Бошланғич баҳоси — 320 046 163 сўм.*

**27.** Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 2010 йил 5 майдаги 4540-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олмалиқ шаҳри, Фахрийлар кўчасида жойлашган дўкон.

*Бошланғич баҳоси — 37 000 000 сўм.*

Аукцион савдоси 2013 йил 15 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Realtor garant business» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-квартал, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.**

*Лицензия: RR-0052.*

956A/380

# «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Наманган вилояти филиали

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

**1.** Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан ФИБ Наманган туманлараро судининг 2012 йил 28 ноябрдаги 1-5119-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган шаҳри, Поликовски кўчасида жойлашган, «Наманган темир йўл ресторани» МЧЖга тегишли, қурилиш ости майдони 544,53 кв.м., фойдаланиш майдони 453,28 кв.м. бўлган маъмурий бино-иншоотлар қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 300 875 395 сўм.*

**2.** Аукцион савдосига Норин тумани СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2012 йил 20 декабрдаги 16-1202/18169-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Норин тумани, Ҳаққулобод шаҳарчаси, «Бобур» МФЙда жойлашган, «Норин бош пиллахонаси» МЧЖга тегишли, блок-бостирма (навес) бино-иншоотлари, қурилиш ости майдони, 1242,36 кв.м., фойдаланиш майдони 1235,22 кв.м., пилла сақлаш бостирмаси, қурилиш ости майдони 1046,07 кв.м., фойдаланиш майдони 1012,57 кв.м., металл бостирма, қурилиш ости майдони 601,8 кв.м., фойдаланиш майдони 601,8 кв.м., мавсумий ишчилар хонаси, қурилиш ости майдони 74,23 кв.м., фойдаланиш майдони 61,34 кв.м., қорапўчоқ бостирмаси бино-иншоотлари, қурилиш ости майдони 290,4 кв.м., фойдаланиш майдони 273,76 кв.м.

*Бошланғич баҳоси — 271 809 361 сўм.*

Аукцион савдоси 2013 йил 16 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 12 июль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

**Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефон: (8-369) 226-54-47. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

959A/1453


# «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК



## ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

*(ҚҚС билан)*



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича**
Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар X42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2013 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

11R/109


# Фармацевтик фаолият, дори-дармон ва тиббий ашёлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи фирма ҳамда компаниялар раҳбарлари диққатига!

*Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олишга «Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 21 май сонида чоп этилган ТЕНДЕР (танлов) савдоларини ўтказиш тўғрисидаги эълонда тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати 2013 йил 25 май соат 15.00 гача кўрсатилган.*

Белгиланган муддат ичида ташкилот ва фирмалар томонидан тегишли ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши кечиктирилганлиги ва тўловлар ўз вақтида ўтказилмаганлигини инобатга олиб, таклифларни қабул қилиш муддати жорий йил 15 июнгача узайтирилди.

**Тендер савдоларини ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумот олиш учун Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.**

*Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили:*

**Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, 108000, Жиззах шаҳри, Жиззахлик маҳалласи, У. Тўрақулов кўчаси, 2-уй. Телефон: (8-372) 226-06-03, Факс: (8-372) 226-07-03.**

877A/521

“O‘zbekiston” телерадиоканали жамоаси Перспектив телелойиҳалар студияси бош муҳаррирининг ўринбосари Кенжабой Бекжановга акаси

**Тоҳир ҚОДИРБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Фуқаролик процессуал ҳуқуқи кафедраси доценти Музаффар Мамасиддиқовга падари бузруквори

**Мусажон МАМАСИДДИҚОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Илғор педагогик технологиялар

**чет тилларини чуқур ўргатишда муҳим омилдир**

Халқ таълими вазирлиги томонидан Франциянинг халқаро педагогик тадқиқотлар маркази ва Версаль академиясининг ўқитувчиларни тайёрлаш институти ҳамкорлигида чет тилларини, хусусан, француз тилини ўргатиш масалаларига бағишланган видеоконференция ўтказилди.

ТАДБИР



Анжуманда таъкидланганидек, Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг "Чет тилини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш" (CEFR) талабларига таянган ҳолда, давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Бунда хорижлик мутахассислар тажрибаси билан танишиш, улардаги ўқитишнинг энг илғор услубларини ўрганиш ва уни юртимиз таълим тизимига мослаштирган ҳолда, амалиётга жорий этиш чоралари кўрилмоқда.

Айни пайтда умумтаълим мактабларида бошланғич синфлардан бошлаб чет тилларини ўргатишга мўлжалланган "Hirondelle" — "Қалдирғоч" дарслик мажмуаси яратилди. Ушбу дарслик жорий йилнинг май ойида республикамизнинг 28 та мактабида тажриба-синовдан ўтказилди. Қолаверса, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Франциянинг юртимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда француз тили ўқитувчиларининг малака ошириш курслари ташкил этилди. Махсус курсни муваффақиятли тамомлаган педагогларга сертификатлар берилди.

Видеоконференцияда Франциянинг нуфузли академияси ходимлари ҳамда ўзбекистонлик педагоглар ўртасида чет тилларини ўқитиш борасида қизғин муҳокамалар, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА.**

14 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО ДОНОРЛАР КУНИ

*Меҳрсиз дунё ғариб, мурувватсиз инсон нотавон бўлиб кўринади. Шу боис меҳрнинг ўлчами, оқибатнинг андозаси бўлмайди. Бу туйғу кўнгилда туғилиб, кўнгилдан сув ичади.*

*Савобталаб халқимизнинг кимгадир ёрдам қўлини узатиш, қувончу ташвишида елкадош бўлишда "у менга бегона-ку", деган фикрга бормаслигининг сабаби ҳам шундан. Аслида донорларни беминнат савобталаб кишилар, десак, хато бўлмайди. Улар вақти-вақти билан қон топширишни ўзларининг бурчи, деб ҳисоблашади. Ахир донорлар топширган қон кимнингдир ҳаётга қайтишига, оғир дардни енгишига сабабчи бўлиши муқаррар.*

# Саховатнинг савоби

Бугунги кунда жаҳон миқёсида қон ва унинг таркибий қисмларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётганлигини ҳисобга олсак, беғараз донорликнинг ўрни ва аҳамияти нечоғли муҳим эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Хавфсиз қон бемор ҳаётини сақлаб қолишда муҳим воситадир.

Донорлар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, улар 18 дан 60 ёшгача бўлган соғлом инсонлар ҳисобланишади. Соғлом киши учун қон топшириш, табиийки, хавфсиз. Чунки одам организмида 4,5 — 5 литр қон бўлиб, ундан 200 ёки 400 мл. олинади ва организм 36 соат ичида топширилган қон миқдорини тиклаб олиш хусусиятига эга. Ҳозир давлатимиз томонидан қон хизмати муассасаларини янада такомиллаштириш, қон ва унинг препаратлари хавфсизлигини таъминлаш, беғараз ихтиёрий донорликни ривожлантириш бўйича ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Қон тайёрлаш, уни текшириш, даволаш муассасаларига етказиб бериш марказлашган ҳолда олиб борилаётганлиги эса бу борада бир қатор қулайликлар туғдирмоқда.

Эътироф этиш керакки, мамлакатимизда қон хизмати муассасаларини марказлаштириш Ҳамдўстлик давлатлари орасида биринчилардан бўлиб йўлга қўйилди.

"Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, қон хизмати муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, қон ва унинг таркибий қисмлари хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, кенг жамоатчилик орасида беғараз донорликни ривожлантиришга қаратилган қатор дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Натижада республика Қон маркази ҳамда унинг ҳудудий филиаллари замонавий техник ускуналар билан жиҳозланган биноларга эга бўлди. Қолаверса, беғараз донорликни ривожлантириш борасида ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилаётир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига кўра, хавфсиз қон ҳеч бир манфаатдорликни кўзламаган, беғараз, ўз хоҳиш-иродаси билан келган донордангина олинади. Негаки, бундай донорлар ўзининг саломатлиги ҳамда турмуш тарзи ҳақида аниқ, ишонарли маълумот бера олади. Қон топшириш мақсадида бизнинг муассасага мурожаат қилган шахслар тўрт босқичли тиббий текширувдан ўтказилиб, шифокор тавсиясига биноан, донорлик қилишади. Бу эса қоннинг хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумотларга кўра, барча давлатларда қонга бўлган эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш учун ҳар 1000 кишига 40-60 нафардан донор тўғри келиши лозим. Мамлакатимизда эса бу кўрсаткич ҳозирча 4-5 нафарни ташкил этади, холос. Мазкур жиҳатлар инобатга олиниб, Республика Гематология илмий текшириш институти ва Қон маркази ташаббуси билан турли вазирликлар, идоралар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигида кенг жамоатчилик орасида бадалсиз донорликни ривожлантириш, айниқса, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтиришга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар, акция ва форумлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, 2008 йилда ҳукуматимиз томонидан "Ўзбекистон Республикасида беғараз донорликни ривожлантириш дастури" қабул қилинган бўлиб, айни пайтда мазкур ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ, кенг жамоатчилик орасида тиббий тарғибот тадбирларини кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилаяпти. Ўз навбатида, бундай тарғибот-ташвиқот ишлари ижобий натижасини бермоқда. Масалан, ўтган йили юртимизда қон топширган донорлар сони 111759 нафарни ташкил этган бўлса, қоннинг 33 фоизи сайёр гуруҳлар ёрдамида тайёрланди. Ушбу кўрсаткичларни Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти қон қуйиш станцияси мисолида кўрадиган бўлсак, қон топширганлар сони 11370 нафарни ташкил қилди, яъни донорлар сони аввалги йилларга нисбатан 30 фоизга ошди. Тайёрланган қоннинг 59 фоизи сайёр гуруҳлар ёрдамида амалга оширилди.

Қон бебаҳодир, қоннинг қийматини ҳеч бир нарса билан таққослаб бўлмайди. Қон топширилиши ва бу қон бирор бир инсон ҳаётини сақлаб қолиши инсоннинг инсонга ҳадя этган энг олий даражадаги совғасидир.

**Мукаррам ПЎЛАТОВА,**
**Республика Қон марказининг Донорлар бўлими бошлиғи.**

# Замонавий аттракционлар



ИЗЛАНИШ

***Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғидаги аттракционлар сони 30 тадан ошди.***

— Жорий йилнинг биринчи чорагида хориждан умумий қиймати 247 миллион сўмлик саккизта замонавий аттракцион келтирилиб, ишга туширилди, — дейди истироҳат боғи директори Тиркаш Тожиев. — Бу орқали дам олиш масканимизга ташриф буюрувчилар янада мазмунли ҳордиқ чиқариш имкониятига эга бўлдилар. Ҳозир вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда боғимизда маданий-маърифий тадбирлар ҳам ташкил этаяпмиз.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Реклама ўрнида

Moody's Investors Service

халқаро рейтинг агентлиги

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг**

кредит рейтингларини

**ТАСДИҚЛАДИ.**

*Миллий валютадаги депозитлар рейтинги **B1***
*Хорижий валютадаги депозитлар рейтинги **B2***

**Рейтинглар истиқболи:**

**«Барқарор»**

Ватанимиз равнақи йўлида сиз билан бирга!

www.nbu.com

880R/382

MOODY'S INVESTORS SERVICE

2013 йил 7 июнда

**«MOODY'S»**
халқаро рейтинг агентлиги

**«ИПОТЕКА-БАНК»**
акциядорлик тижорат ипотека банкининг

B2/B2
рейтингини тасдиқлади.

Рейтинг истиқболи
**«БАРҚАРОР»**

IPOTEKA BANK

960A/238

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 113 202 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5